O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 11 июнь, № 114 (4524) Чоршанба

# ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН ЖИҲОЗЛАР

***Бугун нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг чекка туманларида бунёд этилган савдо мажмуаларини кўриб, дилингиз яйрайди. Чунки шаҳар ва қишлоқ дўконларидаги шароит ва кўрсатилаётган хизмат ўртасида тафовут деярли қолмаган. Айниқса, замонавий савдо расталари, совутиш жиҳозлари ва музлатгичлар юксак дид ва бежирим дизайнда жойлаштирилганки, бу мижозларнинг кайфиятини кўтарибгина қолмай, уларга харид қилмоқчи бўлган буюмлар билан яқиндан танишиш имконини беради.***

**Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!**

— Биз дастлаб муайян савдо дўконининг ўлчамидан келиб чиққан ҳолда, компьютерда унинг дизайнини яратамиз, — дейди шундай ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкентдаги "AZN" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Назиров. — Бу жараёнда ҳамма нарса — жиҳозларнинг сифатидан тортиб рангигача эътиборга олинади ва дўкон мижозга калити билан топширилади.

Айтиш керакки, илгари савдо дўконлари учун жиҳозлар, айниқса, совутгич ва музлатгичлар Россия, Украина, Туркия каби давлатлардан келтирилар, табиийки, бунинг учун каттагина маблағ сарфланар эди. Мамлакатимизда тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилиб, ишбилармонларга барча шарт-шароитлар яратиб берилгани туфайли мустақиллик йилларида бундай маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунга биринчилардан бўлиб "AZN" корхонаси жамоаси қўл ургани эътиборга лойиқдир.

— Очиғини айтсам, ишни бошлаш қийин кечди, — дейди тадбиркор. — Нега деганда, авваллари юртимизда бундай ускуналар тайёрланмаган, бу борада тажриба йўқ эди. Шу боис кўп изландик, Россия, Германия, Италия давлатларида бўлиб, тажриба ўргандик. Кейин хорижнинг замонавий технологияларини келтириб, 5 киши билан фаолият бошладик.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: жамиятнинг илғор ишчиси Умид Мирзаев.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун ва Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***



# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг (Германия) минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, Германия Бундестаги делегацияси, мамлакатимиз ва хориж экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари – сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари раҳбарлари — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари А. Шодмонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари А. Рустамов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси фракцияси раҳбари А. Турсунов ва бошқалар маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда, бошқа соҳаларда бўлгани каби, сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Кўппартиявийлик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда сиёсий тажриба орттириш, сиёсий камолотга етишиш, энг муҳими, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаш – булар Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар босиб ўтаётган йўлдир. Шу билан бирга, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этди. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, фракциялар раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари саналади. Бундай ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг Олий Мажлис фаолиятини ташкил этишдаги, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини кучайтирди.

Германиялик экспертлар Германия парламенти — Бундестагнинг қуйи ва юқори палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизими, парламентаризмнинг ҳозирги кундаги ривожи ва истиқболлари, депутатлар корпусининг иш тажрибаси ҳақида сўзладилар. Хусусан, ХДС/ХСС партиясининг Бундестагдаги фракцияси вакили Йоахим Хёрстер, сўллар партияси фракцияси депутати, доктор Хаки Кескин сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлашининг асосий босқичлари ва механизмлари, Германиядаги фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ҳақида тўхталди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда халқаро андозаларга жавоб берадиган муҳим ҳуқуқий асос яратилгани, айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунни амалга оширишдаги мамлакатимизнинг кўпқиррали тажрибаси германиялик экспертлар томонидан юксак баҳоланди.

Шу куни Германия парламенти делегацияси аъзолари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда бўлгани сингари, ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам жадал ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Германия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида, шунингдек, қатор вазирлик ва идораларда ҳам музокаралар ўтказди.

**(ЎзА).**

***Тошкентда «Ривожланаётган мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини стандартлаштириш соҳасидаги тафовутни қисқартириш»ни ривожлантириш бўйича МДҲ, Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) ҳамда Болтиқбўйи давлатлари учун Халқаро телекоммуникациялар иттифоқининг (ХТИ) минтақавий форуми бўлиб ўтмоқда. Форум доирасида МДҲ давлатлари учун ХТИ-2008 йилда телекоммуникацияларни стандартлаштириш бўйича жаҳон ассамблеясига минтақавий тайёргарлик кўриш йиғилиши ҳам ўтказилади.***

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Тадбирда МДҲ, МШЕ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан 50 нафардан ортиқ эксперт, шунингдек, ХТИ Телекоммуникацияларни стандартлаштириш бюроси ва Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик ижроия қўмитаси раҳбарлари иштирок этмоқда.

Минтақавий форум ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) стандартлаштириш соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама этиш ва улар бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, ушбу йўналишда ХТИ фаолияти билан янада батафсил таништириш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари билан шуғулланадиган вазирликлар ва миллий тартибга солиш органлари, операторлар, телекоммуникация хизматларини етказиб берувчилар учун ўтказилмоқда.

Уч кун давом этадиган ушбу форум очилишида дунёда замонавий АКТдан кенг фойдаланган ҳолда, замонавий глобал ахборот ҳамжамиятини ташкил этиш жараёни фаол амалга оширилаётгани, иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт жадал ривожланаётгани таъкидланди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча фаолият жабҳаларига телекоммуникация соҳасидаги энг янги ютуқларни жорий этиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар билан, жумладан, стандартлаштириш соҳасида шериклик муносабатларини янада ривожлантириш соҳа имкониятларини юксалтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Республикамизда ушбу йўналишда электрон тўловлар, электрон рақамли имзо, кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича режали ишлар амалга оширилмоқда. Умуман олганда, барча жойларда энг янги АКТни жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ахборот жамиятига ўтишда ускуналар ва хизматларни мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда стандартлар ишлаб чиқаётган, мамлакатларга рақамли тафовутни бартараф этиш бўйича техник ёрдам кўрсатаётган Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи муҳим ўрин тутади.

Халқаро телекоммуникациялар иттифоқининг Электр алоқани стандартлаштириш бюроси директори М. Жонсон, ХТИ Ривожланиш бюроси директори маслаҳатчиси Ю. Гринь, Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик ижроия қўмитаси бош директори Н. Муҳиддинов ва бошқалар стандартлаштириш, хавфсизлик ва АКТни тартибга солиш, бу ишларда минтақа вакиллари иштирокини кенгайтириш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари ҳамда воситалари ҳақида гапирди. Шунингдек, ривожланиш йўналишлари ва келгуси авлод тармоқларига ўтиш йўллари, кенг полосали симсиз фойдаланиш технологиялари ва уларни қайд этилган тармоқларга жорий этиш, радиоалоқа соҳасидаги халқаро стандартлар ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А. Орипов иштирок этди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ПАРИЖДА МАРКАЗИЙ ОСИЁГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАН

***Париждаги Франция Сенати биносининг машҳур Люксембург саройида «Марказий Осиё: глобаллашув билан юзма-юз» мавзуидаги илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Франция Сенати, ушбу мамлакатнинг нуфузли «Passages» таҳлилий журнали таҳририяти ҳамда мазкур журнал дўстлари уюшмаси — «ADAPes», шунингдек, Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Конференцияда Франция парламенти сенаторлари ва депутатлари, хорижий дипломатлар, Марказий Осиё билан муносабатлар мавзусига ихтисослашган франциялик олим ва экспертлар, Франция ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«ADAPes» уюшмаси раиси, «Passages» журнали бош муҳаррири, таниқли француз сиёсатшуноси Эмиль Мале анжуманни очар экан, Европа Иттифоқи ташқи сиёсати ва, умуман, халқаро хавфсизликнинг глобал тизимида муҳим ўрин тутувчи Марказий Осиёда рўй бераётган воқеа ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш ва уларга холис баҳо бериш муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратди. Олимнинг фикрича, ЕИнинг Марказий Осиёга нисбатан бўлган стратегияси минтақа манфаатларини ифода этиши билан бир қаторда бу ердаги ҳар бир давлатнинг тараққиёт даражаси ва стратегиясини ҳисобга олиши лозим.

Иштирокчилар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ўзгаришлар, жамиятни демократлаштириш

**Дунё нигоҳи**

йўлидаги саъй-ҳаракатлар, мамлакатимизнинг ЕИ билан муносабатларни ривожлантириш истиқболлари борасидаги ёндашуви хусусида батафсил ахборотга эга бўлди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 29-30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиёт муаммолари» мавзуидаги халқаро конференция якунлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича билдирган таклиф ва ташаббуслари ҳақида атрофлича сўзлаб берилди.

Қатнашчилар эътиборига Орол денгизи минтақасида юзага келган оғир экологик вазият ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги нуқтаи назари хусусидаги ахборотлар тақдим этилди.

Конференцияда сўзга чиққан Нью-Йорк университети профессори М. Ривкин Марказий Осиё минтақаси тараққиёти ҳамда бу жараённинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига тўхталди.

Профессор бу хусусда фикр юритиб, жумладан, Ўзбекистонни минтақадаги муҳим геосиёсий ўрин, катта нуфус ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакат сифатида алоҳида таъкидлади. Олим республика ҳукумати томонидан минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга эътибор қаратди. Шу маънода америкалик эксперт Афғонистондаги инқирозни бартараф этиш жараёнида иштирок этаётган

(Давоми 2-бетда).

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ – ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

***Тошкентда 9-10 июнь кунлари замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Индонезия, Хитой, Кувайт, Малайзия, Польша, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония каби жами 18 мамлакатдан эксперт, таҳлилчи ва журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Европа, Осиё ва Америкадан кўплаб етакчи мутахассислар қатнашгани хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларга қизиқиш кучайиб бораётганидан ёрқин далолатдир. Икки кун давом этган анжуманда экспертлар демократик жамият барпо этиш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалалари ҳамда жамиятни демократик янгилаш жараёнида устувор аҳамият касб этадиган ахборот соҳасини эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

"Ушбу конференция Ўзбекистонда ўтказилаётган ғоят хайрли тадбирларнинг муқаддимасидир. Унда кўтарилган мавзу ЕХҲТга аъзо 56 мамлакатнинг барчаси, жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир", — деди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили Миклош Харашти анжуманнинг очилишида. Унинг фикрича, "ушбу конференция Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, демократлаштириш ва монополиядан чиқариш йўлидан изчил бораётганидан далолатдир".

Анжуманда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишига айлангани таъкидланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жумладан, ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида ўз ифодасини топган. Конференция иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Дастурда эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Қайд этилганидек, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида ушбу муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатга, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масаласига бу қадар катта эътибор берилаётгани йўқ.

Бугун Ўзбекистонда мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Сўнгги ўн йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони икки баравар кўпайиб, ҳозир қарийб 900 газета ва журнал чоп этилмоқда, тўртта ахборот агентлиги, ўнлаб телерадиоканаллар, шунингдек, Интернет-агентликлари ва ахборот

(Давоми 2-бетда).

# Талабаларга LG гранти

***LG Elektronics компанияси республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши билан ҳамкорликда «LG гранти — Бухоро-2008» танловини ўтказди.***

Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилган мазкур танловда олий ўқув юртларига тўлов шартнома асосида ўқишга кириб, аъло баҳоларда ўқиётган талабалар иштирок этишди. Пировардида голиблик БухДУ талабалари Дилафруз Жумаева, Нигора Давлатова ҳамда Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси Нигина Алимовага насиб этди. Уларга компаниянинг 500 минг сўмлик тўловнома қоғозлари тантанали тарзда топширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Инсоният тафаккури нималарни кашф этмади? Ҳамон изланишлар иштиёқи, фурсат шиддати билан баҳс бойлайди. Баъзан янгиликлар ҳақидаги хабар одамларга етиб боришга улгурмасдан, эскиликка айланиб қолади.*

*Аммо... ҳар йили қиш этагидаги қорларни ёриб, қоқиб чиққан бойчечак, яшилликнинг ҳақиқий тимсоли — майсалар, йўл четидаги қоқигулдан тортиб атиргулларгача... хуллас, табиатнинг ҳар бир куртагу гулбаргларигача абадий мўъжиза. Атрофимиздаги яшил олам онамизга, дўстимизга, севгилимизга ўхшайди.*

# МАРҒИЛОНДА БИР ҲОВЛИ БОР...

▼ Орамиздаги одамлар

Марғилон шаҳрининг Яйилма маҳалласидаги Асилобод кўчасининг 134-хонадони шаҳар ҳовлилари каби мўъжазгина. Аммо унда дунёнинг турли мамлакатларида тарқалган 1200 турдан ортиқ гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар ўсади.

Ичкарига кираверишдаги дарахт шохларига тизилган, одамнинг кўрсаткич бармоғидек келадиган қора-қизил мевалар шакли тутни эслатади.

— Бу — Ҳиндистон тути, — дейди оила бошлиғи Саидумархон Набиев. — Жуда серҳосил, мевасини ҳамма яхши кўради. Мана бу дарахтнинг номи эса глецина, Ялтадан олиб келганман. Эрта баҳорда барг чиқармасдан олдин худди узумга ўхшаб шокила-шокила бўлиб гуллайди. Мана бу эса дафна...

— Дафна бу... таомни хушбўй қиладиган гиёҳми?

Суҳбатдошим «Ҳа» ишорасини қилиб, дарахт шохида ўтган йилдан қолган қуруқ баргдан узиб менга узатди. Ундан хушбўй ҳид келиб турарди.

— Мана бу эса Ҳиндистондан олиб келинган мушмула дарахти. Қиш чилласида гуллаб, меваси қулупнай билан бир вақтда пишади.

Деворни қоплаб сиёҳ рангида гуллаб ётган климатус, шиғил-шиғил уруғ боғлаган сарв, барглари бошқа ўсимликлардан кескин фарқ қилиб турган аукаба, магнолия. Кактусларнинг ноёб турлари, сарв дарахти хиллари... ҳар бирининг олдида соат-соатлаб ўтириб томоша қилгинг, Яратганнинг мўъжизаларига ҳамду санолар айтгинг келади. Саидумархон ака эса худди фарзандларининг қобилияти, фазилатлари, инжиқлигию ўзига хослигидан сўзлаган ота каби ҳар бир ўсимликни шошилмай, меҳр-муҳаббат билан таърифлайди.

— Аукабани Қора денгиз соҳилидан олиб келганман. Бу йилги қишнинг совуғига дош берармикин, деб хавотирлангандим. Чидамли экан, совуқдан омон чиқди.

Ҳовлининг бир томони иссиқхона қилиб ўраб қўйилган. Ичкарига қадам қўйишингиз билан нам, илиқ ҳаво юзингизга урилади.

— Янги ўсимликлар иқлимга мослашиши, ўзини тез ўнглаб олишига мана шундай шароит ёрдам беради. Дунёда ҳамма нарсанинг ички сезгиси бўлса керак, деб ўйлайман. Яхши кўрганингиздан ўстиряпсизми ёки даромад ниятидами — буни ўсимликларнинг ўзиям билади. Бу гуллар, дарахтларни асосан Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Хитой, Ялтадан олиб келганман. Баъзан шундай бўладики, янги гул ёки дарахтни олиб келишим билан ишқибозлари чиқиб қолади. «Менга сот!» деб туриб олишади. Мен ундай қилолмайман, ҳар қандай ўсимликнинг табиатини ўрганиб, ўзимизнинг иқлимга мослаштириб, ишонч ҳосил қилганимдан кейин кўпайтириб тарқатаман, дейман.

Иссиқхонанинг томига тегиб турган дарахт шохларида хамакчалар ғуж бўлиб турарди.

— Бу — қовун дарахти, — деб тушунтирди Саидумархон ака. — Мевасининг мазаси ўзимизнинг қовунга ўхшаб кетади.

— Мана бу ниҳолнинг гули ғалати экан, — дедим шакли кувачани эслатадиган гулларга қараб.

— Бунинг номи — непетес, ноёб ҳашаротхўр гул, кувачасига пашша тушса, дарров ёпилиб олади. Мана бу эса саговник — цикас, тарихий маълумотларга қараганда, динозаврлар давридан буён яшаб келмоқда.

Хуллас, япроғи, танаси, гуллари, ранги, иси бир-бирига ўхшамайдиган, дунёнинг турли иқлимларидан олиб келиниб, «ўзимизники» қилиб олинган бу табиат мўъжизаларини кўриб, улар ҳақида тинглаганингиз сайин қизиқишингиз ортаверади. Эътиборлиси, хонадон бошлиғи юзлаб меҳмонларга кичик хонадоннинг катта табиат олами ҳақида ҳар гал завқ-шавқ билан эринмасдан, зерикмасдан ҳикоя қилади.

— Пулюмерия ниҳоятда хушбўй гуллайди, мана бу аганинг йигирма беш тури бор,  араукациянинг иқлимимизга мослашиши осон бўлмади...

— Буларни қандай қилиб олиб келдингиз?

— Ёшлигимдан гулларга ишқибозман. Бу соҳада махсус ўқимаганман, ўзим мустақил адабиётлардан кўп нарса ўргандим. Юртимиз мустақил бўлмасидан олдин чегарадан гул, кўчатлар, уруғларни олиб ўтиш мумкин эмасди. Истиқлолдан кейин шу орзуим ушалди: уруғларни, ниҳолларни, гулкўчатларни қонуний олиб келадиган бўлдик.

Водийда гул ва гўзаллик мухлислари Саидумархон Набиев хонадонини яхши билишади. У парваришлаб кўпайтирган ноёб гул турлари кейинги ўн йил давомида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг шаҳру қишлоқларига файз, чирой, муаттарлик бағишлаб келмоқда. Маҳалла, мактаб болалари бу ерга гулчилик сирларини ўрганиш учун келадилар.

Олтиндек қандак ўриклар ерга бир-бир тўкилаётган, шиғил олмалардан дарахт шохлари майишган, бир ёқда тут пишиб, дарахтида қовун хамаклаган, камалакдаги барча рангларда гулу япроқлар яшнаб турган файзли ҳовлини ҳавас билан айланарканмиз, руҳимизни ажиб кайфият тарк этмасди. Бизга она, дўст, суюкли бўлган табиатни чин фарзандлик масъулияти билан ардоқламоқ ҳам она олдидаги бурчни ўтаган каби шарафли, фахрли.

**Муҳтарама УЛУҒ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**
Муаллиф олган суратлар.

# РАНГЛАРДА ТАБИАТ ЖИЛОСИ

▼ Кўргазма

Урганчдаги Суратлар галереясида «Манзара ва натюрморт» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмада республикамизнинг таниқли мусаввирлари яратган манзара ва натюрморт жанридаги асарлар намойиш этилмоқда. Чунончи, тасвирий санъат ихлосмандлари академик рассомлар Раҳим Аҳмедовнинг «Тоғли манзара», «Хризантема натюрморти», Неъмат Қўзиевнинг «Куз», «Ангрен манзаралари», Алишер Мирзаевнинг «Сўқоқ манзаралари», Отахон Оллабергановнинг «Кузги дарахтлар» полотноларини қизиқиб томоша қилмоқдалар. Уларда табиат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, тевара-атроф ва инсон кечинмалари гўзаллиги ёрқин бўёқларда ўз аксини топган. Гўёки ранглар сўзлаётгандек туюлади, кишига.

Кўргазмадан, шунингдек, Марат Содиқов ҳамда маҳаллий ижодкорлар асарларидан намуналар ҳам жой олган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЯНГИЛИКЛАР** ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

*Тошкент ва Бухородан Москва орқали қуйидаги шаҳарларга мунтазам равишда амалга ошириладиган янги рейсларни таклиф этади:*

**АНАПА**
бир томонга 316 евро ва ундан юқори

**СОЧИ**
бир томонга 288 евро ва ундан юқори

**СИМФЕРОПОЛЬ**
бир томонга 270 евро ва ундан юқори

*Тарифлар иқтисодий-мукофотли класс учун кўрсатилган, жойлар чегараланган.*

**Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25.**
**www.transaero.ru**

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ** амкодор



(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Спорт • Sport • Спорт

# БАДИИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАР БАҲСИ



***Қарийб тўрт кун давомида пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройи бадиий гимнастика бўйича навбатдаги халқаро турнирга мезбонлик қилди.***

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда спортнинг нафис ва гўзал турларидан ҳисобланган бадиий гимнастика ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган бадиий гимнастика тўгаракларида ўн минг нафардан ортиқ қизлар машғулотларга қатнамоқдалар.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган бадиий гимнастика бўйича халқаро турнир ҳам янги-янги иқтидор соҳибларини кашф этишда алоҳида ўрин тутди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, шунингдек, Россия ва Қирғизистондан келган 300 нафарга яқин ёш спортчилар ғолиблик учун баҳс юритдилар.

Мусобақанинг "А" гуруҳида самарқандлик Мафтуна Шамсиева, тошкентлик Анастасия Сердюкова, Равиля Фахрутдинова, Сабина Тошкентбоева, Амаль Исҳоқова, Алексия Киселёва, бухоролик Фарангиз Шодиевалар шоҳсупадан жой олишди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилояти вакиллари "В" гуруҳидаги баҳсларда иштирок этдилар.

## Яна иккита йўлланма

***Москвада сузиш бўйича жорий йил Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи Россия очиқ чемпионати якунланди.***



Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарда айтилишича, ушбу мусобақада қатнашган ҳамюртимиз Олег Ляшко 100 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, теннисчимиз Оқгул Омонмуродова ҳам Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Майдон эгалари ғолиб

***Самарқандда 1994 йилда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 12 та жамоа иштирок этди. Беллашувда ғолиблик майдон эгаларига насиб этган бўлса, Фарғона ва Тошкент вилояти ёш футболчилари жамоаси иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт







Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Илмий-педагог кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Қодиржон Исмоилович РЎЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси жамоаси муфтий Усмонхон Алимовга фарзанди

**НИЗОМИДДИНнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 4.30 Топширилди — 5.30 1 2 3 4 5 6 7 8